ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00986

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА, МАМЛАКАТ ЁШЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Шавкат Тахирович Мавлянов
Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғи полковник

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мамлакатимизда жамоатчилик назорати соҳасида олиб борилган ислоҳотлар, қабул қилинган норматив – ҳуқуқий хужжатлар ҳақида маълумот берилган. Шу билан бирга, ушбу йўналишни янада ривожлантириш мақсадида аҳолининг, хусусан ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини, мамлакатда бўлаётган жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини ошириш мақсадида олиб борилга ишлар ҳақида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: ёшлар, жамоатчилик назорати, қонунлар, сиёсий маданият, ҳуқуқий маданият.

ABSTRACT

This article provides information about the reforms carried out in the field of public control in our country, the adopted normative and legal acts. At the same time, he spoke about the work being done to further develop this area, to increase the political and legal culture of the population, especially young people, the sense of involvement in the processes taking place in the country.

Keywords: youth, public scrutiny, laws, political culture, legal culture.

КИРИШ

Мамлакатимизда аҳолининг қарийб 55 фоизини ёшлар ташкил этиб, 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 18 миллиондан зиёддир. Ёшлар глобаллашув жараёнида замон талабларини илғаш ва уларни амалга ошириш, турли соҳа ва ташаббусларни олға суришда катта таянч, бебаҳо хазина ва кучдир. Шундай экан, бугун биз фуқаролик жамияти шакиллантириш жараёнида турар эканмиз, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг сиёсий-хукукий саводхонлиги ва маданияти мустаҳкамлаш катта ахамият касб этади. Ёшларнинг сиёсий-хукукий саводхонлиги фукаролик ўзлигини англашининг асосий мезонидир. Бугунги ёшлар ким бўлиб етишишидан, қайси соҳа ёҳуд вазифада фаолият кўрсатишидан қатъий назар, биринчи навбатда, Конституция ва қонунларни

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00986

яхши билиши, ҳурмат қилиши шарт. Башарти, қонун устуворлиги таъминласагина илғор ва тараққий этган давлат барпо этиб, фаровон ва бахтли ҳаёт кечирилади.

Конституция ва қонун устуворлигига эришишда эса, табиийки, жамоатчилик назорати институтидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Аслида жамоатчилик назорати юртимизда узоқ тарихий илдизларга эга. ушбу институт қадимда оқсоқоллар Кенгаши кўринишида бўлиб, унинг асосий фаолият йўналиши маҳаллалардаги ободонлаштириш, аҳолини қийнайдиган масалаларни ҳал этиш, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш, огоҳ бўлиш, фарзандлар тарбиясига лоқайд қарамаслик ва бошқа жамоат ишлари билан шуғулланиш бўлган.

Мамлакатимиз мустақиллика эришгандан сўнг ва ўтган вақт мобайнида эса жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ва услублари ишлаб чиқилди ҳамда фаолиятни амалга ошириш учун қатор қонунчилик базаси яратилди.

Жумладан, давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини олиб боришга қаратилган, жамоатчилик назорати институтининг изчил ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этадиган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб уларнинг жумласига “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунлар киради.

Бундан ташқари, 2014 йилда Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар эса жамоатчилик назорати институтига конституциявий мақом бағишлади. Яъни жамоатчилик назорати Конституциямизнинг 32-моддасида аниқ белгилаб қўйилди.

Бироқ, жамоатчилик назоратига оид қоидалар турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тарқоқ ҳолда бўлганлиги сабабли, бундай назоратни амалга оширишни замон талабларига мос, мукаммал механизмларини ишлаб чиқиш кераклиги долзарб мавзуга айланди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шу муносабат билан, Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда маъқулланган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00986

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида” ги Қонуни қабул қилинди. Қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатлиги белгиланди.

Шу билан бирга, давлат раҳбарининг 2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниб, унга кўра, давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари, функциялари, ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш тартиби белгилаб берилди. Қарорга асосан жамоатчилик кенгаши ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланиши ҳамда унинг қарорлари тавсиявий хусусиятга эгалиги белгилаб берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини кучайтириш, қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришда жамоатчилик назоратининг самарали шаклларини жорий этиш ҳамда бу жараёнда оммавий ахборот воситалари иштирокини кенгайтириш мақсадида Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Дастурни амалга оширишнинг асосий мақсади этиб Конституция ва қонун устуворлигини, давлат органлари қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари қонунларга тўлиқ мувофиқ бўлишини таъминлаш, қонунлар ижросини самарали ташкил этиш; жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш, ҳуқуқий ахборотни замонавий усуллар орқали кенг оммага етказиш; Конституция ва қонун устуворлигига эришишда давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш, мустақил ва холис оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ва бошқалар белгиланди.

МУҲОКАМА

Шундай экан, айтиш жоизки, ўтган вақт ичида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00986

мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг асосий вазифалардан бири этиб белгиланди.

Ундан ташқари, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари белгилаб берилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар кўрсатиб ўтилган. Жумладан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаётганлиги, узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаганлигини, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаганлиги ҳамда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатаётганлиги айтиб ўтилган.

НАТИЖАЛАР

Фармон билан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” концепцияси қабул қилиниб, унинг асосий вазифа ва мақсадлари, асосий йўналишлари кўрсатилган ва Концепцияни самарали амалга ошириш бўйича

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00986

“Йўл харитаси” ишлаб чиқилган. “Йўл харитаси”га 88 та банд киритилган бўлиб, барча соҳаларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “шахс - оила - маҳалла - таълим муассасаси - ташкилот - жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши назарда тутилган.

Айни вақтда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга қисқача таъриф бериб кетсак. Сиёсий маданият - жаҳон умумий маданиятининг таркибий қисми, сиёсий тажриба, сиссий билимлар ва ҳис- туйғулар даражаси, сиёсий субъектлар хулқ-атвори ва фаолияти намуналарининг бош кўрсаткичи, мамлакат, синф, миллат, ижтимоий гуруҳ сиёсий турмуш тарзинимг умумий таърифидир. Қисқа қилиб таърифлаганда сиёсий маданият иисоннинг сиёсий институт ва қадриятларда қайд этилган ижодий фаолиятининг тавсифи ва инъикосидир.

Ҳуқуқий маданият эса – фуқароларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиши, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги тушунчаларини талқин қила олиши ҳамда улардан тўғри фойдалана олиш билан бирга, уларга амал қилиш ҳамдир.

Эътибор қаратадиган бўлсак, ривожланган мамлакатларда миллий қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолатни кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш тамойиллари асосий ўринга қўйилган. Бунга мисол сифатида Америка Қўшма Штатларида халқни бирлаштирувчи ва ҳаракатга келтирувчи куч сифатида “Америка орзуси” ғояси асосий ўринда турса, “Олға, Сингапур!” шиори Сингапур мўъжизаси ислоҳотлари орқали ҳаётга татбиқ этилган.

Францияда барча нарса инсон ва унинг манфаатлари учун, эркинлик, тенглик ва биродарлик ғоялари асосида давлат инсонларга чексиз ҳуқуқ ва эркинликларни яратиб берган ва уларни мамлакат манфаатлари йўлида бирлаштирган. Хитойда эса маънавий тарбия тизими она ватанга хизмат қилиш ва содиқ бўлиш ғояси асосида ташкил этилган. Шунингдек, Буюк Британия, Япония, Эрон, Германия, Туркия давлатларида илгари сурилган ўзига хос ғоявий йўналишлар уларнинг тараққиётида муҳим ўринга эга бўлиб келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даврида аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усулларидан, тарғиботнинг илғор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибаларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.


ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00986

Юқорида кўрсатилган ислоҳотларнинг ижросини самарали таъминлаш мақсадида Сирдарё вилояти ИИБ томонидан ҳам бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, вилоят ҳудудида манзилли ва аниқ тарғибот амалга оширилиб, асосий эътибор ёшларга қаратилмоқда. Ушбу тадбирларнинг асосий мақсади мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида ёшларнинг иштирокини янада фаоллаштириш, ёш авлод вакилларини қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, турли зарарли иллат ва ёд ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти, билимлари ва масъулиятини мунтазам ошириш ҳамда вилоятнинг туман (шаҳар)ларида, айниқса чекка ҳудудларида истиқомат қиладиган кўп сонли уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборатдир.

Сирдарё вилояти ИИБ томонидан 2020 йилнинг якунида 8044 тадбирлар ўтказилган бўлиб, уларда асосан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида тушунча бериш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, диний экстремизм ва терроризм ва унга қарши курашиш, коррупция ва ҳуқуқбузарликлар тушунчаси ва уларнинг профилактикаси, қабул қилинаётган норматив - ҳуқуқий хужжатлар ҳақида маълумот берилган (диаграмма 1).

Диаграмма 1

Аҳоли ўртасида ўтказилган тадбирлар тематикаси




Ўтказилган тадбирларнинг кўриниши асосан маърузалар бўлиб, кейинги ўринларда “давра суҳбатлари”, кўргазмали тарғибот, анимацион графика, семинарлар ва бошқалар ўрин эгаллаган (диаграмма 2).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00986

Диаграмма 2


Ўтказилган тадбирларнинг шакли



Оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқий тарғибот 1704 нафарни ташкил этиб, шундан аксарият мақолалар веб- сайт ва бошқа электрон ахборот воситаларида нашр этилган (диаграмма 3).

Диаграмма 3

ОАВ орқали ўтказилган ҳуқуқий тарғибот



Мухтасар қилиб айтганда, жамоатчилик назоратининг асосий қуроли қонундир. Жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролар томонидан давлат

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00986

ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонунларга қай тарзда амал қилаётгани ва уларни қандай ижро этаётганини назорат қилади. Жамоатчилик назоратининг хулосалари эса, ўз навбатда, ижро ҳокимиятининг фаолиятини танқидий кўриб чиқиш, хатоларни тузатиш, халқчилликни таъминлашга хизмат қилади. Шу ўринда фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг ортиши, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиши ушбу жараён ривожланишининг муҳим шартларидандир.

ХУЛОСА

Зеро, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилишини таъминлаш, ушбу жараёнга нафақат давлат органларини, балки оила, маҳалла ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини иштирокини етарлича таъминлаш замон талабидир.

REFERENCES

1. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-376-сон. 25.09.2014.
2. “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-477-сон. 12.04.2018.
3. “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4944-сон. 03.02.2017.
4. “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон. 05.07.2017.
5. “Ҳар бир оила-тадбиркор” давлат дастури ПҚ-3777-сон. 07.06.2018.
6. ўзбекистон Республикаси Конституцияси
7. 2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарори
8. Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури